



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 16 » сентябрь

№ 556

Toshkent sh.

Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали фаолиятини ташкил этиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” 2019 йил 19 августдаги ПҚ-4421-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали (кейинги ўринларда – Филиал) фаолиятини ташкил этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Филиал Тошкент давлат аграр университетининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига шахсий газна ҳисобварагларига эга бўлади.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигига инновацион ресурс тежайдиган илғор технологияларни қўллаш, “Ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

ўкув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳага оид инновацион ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ҳамда ресурс тежайдиган илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида Филиалнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ва илмий-педагог кадрларининг малакасини ошириш ва стажировкаларини ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш;

илмий-тадқиқот институтлари билан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамкорлигига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлигини ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “кичик инновацион корхоналар” ташкил этиш;

кафедралар ихтисослиги бўйича талабалар ва ёш олимларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида илмий мактаб ва тўгаракларни, шунингдек, “Ёш олимлар клуби”ни (Young Scholars Club) ташкил этиш ҳамда кейинчалик энг иқтидорли ёш олимларни хорижий давлатларга ўқишга ва стажировкага юбориш;

ўқув ва бошқарув жараёнини ташкил ва назорат қилишда ахборот тизимларини жорий қилиш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун масофавий ўқитиши шаклини татбиқ этиш орқали қулай шарт-шароитлар яратиш;

замонавий технологиялар ва интерактив таълим услубларини (E-Minbar электрон платформаси), талабаларнинг мустақил ўқув ва амалий фаолиятини (кейс-стади, коучинг ва бошқалар) ривожлантириш орқали амалиёт ўташ, шунингдек, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро масофавий ҳамкорлигини (вебинар технологиялар) таъминлашга, уларда инновацион ва таҳлилий фикрлашни ривожлантиришга мўлжалланган модулли, обьектга йўналтирилган ва динамик таълим мухитини (Moodle) кенг жорий қилиш;

кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари, “устоз-шогирд” тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма таълим (double degree) дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

истиқболли ёш битиравчиларни республика ва хорижий мамлакатлардаги етакчи олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг магистратура ва докторантурасига мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалида 2020/2021 ўқув йили учун бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қабул қвотаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Филиалга талабалар республика олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

бакалавриат таълим йўналишида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш, бунда таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқишини ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгилаш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурларини Тошкент давлат аграр университети томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишган ҳолда мустақил тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда:

бир ой муддатда олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ Филиалнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш;

Филиални олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Филиал профессор-ўқитувчиларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар тайёрланишини ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

ислоҳотларнинг ҳозирги босқичига ҳамоҳанг тарзда янги авлод дарслклар ва ўқув қўлланмалари туркумини хорижий олимлар, олий таълим ва аграр соҳаларда самарали фаолият юритаётган мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ҳамда қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши;

Филиалда Беларусь Республикасининг Гродно давлат аграп университети билан қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига юқори малакали мутахассисларни фаол жалб қилиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

Филиалнинг ахборот-ресурс марказини ўкув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Кўйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтларининг грантлари;
қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб кўйилсинки:

2020/2021 ўкув йилида Филиалнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва самарали фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўладиган харажатлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағлари ҳамда хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан амалга оширилади;

Филиални сақлаш харажатлари 2020 йилда “Маориф” соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2021 йилдан бошлаб мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

Филиалга 2 та, шу жумладан 1 та хизмат ва 1 та навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги Самарқанд агроиктисодиёт касб-хунар коллежи бинолари ва иншоотлари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ётоқхона мебелларини Филиалга оператив бошқарув ҳукуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги:

Филиалга бошқа ҳудудлардан ишга қабул қилинадиган профессор-ўқитувчиларни Филиалда фаолият юритган даврда турар жой билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда талабаларнинг

ўқув-ишлиб чиқариш амалиётларини, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда илмий тадқиқотчиларнинг дала тажрибалари ва илмий тадқиқотларини ўтказиш мақсадида “Ахборот маслаҳат маркази”ни (Extension center) ташкил этиш учун 50 гектар суғориладиган ер майдони ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунсан.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “ 16 ” сентябрдаги 556-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалида
2020/2021 ўқув йили учун бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашнинг
таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича
ҚАБУЛ КВОТАСИ**

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналиши	Қабул квотаси	шундан	
				давлат	тўлов-гранти
Бакалавриат таълим йўналишлари					
1	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигидага)	50	10	40
2	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигидага)	25	5	20
3	52332500	Логистика (агрологистика)	25	5	20
4	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият	25	5	20
5	5410100	Агрокимё ва агротурпроқшунослик	25	5	20
6	5410200	Агрономия (дехқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)	50	10	40
7	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)	50	10	40
8	5410400	Кишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича)	25	5	20
9	5410500	Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	25	5	20
10	5411000	Мевачилик ва узумчилик	25	5	20
11	5411500	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини	25	5	20
12	5411600	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик	25	5	20
13	5411700	Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш	25	5	20
14	5430100	Кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	25	5	20
15	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигидага)	25	5	20
16	5610300	Туризм (агротуризм)	25	5	20
Жами:			475	95	380

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналиши	Қабул квотаси	шундан	
				давлат	тўлов-гранти
Магистратура мутахассисларни					
1	5A410101	Агротурпроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)	3	3	
2	5A410102	Агрокимё	3	3	
3	5A410201	Агрономия	3	3	
4	5A410202	Ўсимликшунослик (экин гурухлари бўйича)	4	4	
5	5A410301	Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича)	4	4	
6	5A410401	Селекция ва уругчилик (экин гурухлари бўйича)	4	4	
7	5A410501	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	4	4	
8	5A411001	Сабзавотчилик ва полизчилик	4	4	
9	5A411002	Мевачилик	4	4	
10	5A411701	Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги	3	3	
11	5A430101	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (тармоклар бўйича)	4	4	
Жами:				40	40
Ҳаммаси:				515	135
					380

